

## Чорвачилик



06:10 / 27.09.2018 6105

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, бир танишим билан шерикликда қўй боқиб кўпайтирмақчи эдик. Бошида мен 4 та қўзи сотиб олиб бераман, у эса уларни бир йил давомида ўз хисобидан боқиб каттартиради ва бир йиллик кетган харажатини айтади. Мен кейинги йили у кетказган харажат қанча бўлса шунча пулга яна қўзи олиб бераман. Бунда фойда 50/50 ишламоқчимиз. Яни у бир йилда ем-хашагига 2млн сўм харажат қилган бўлса мен шунча суммалик қўзи олиб бераман. Шу ишимиз халол бўладими?

**"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

Ваалайкум ассалом! Шундай қилиб кўрганлардан маслаҳат сўранглار. Сиз каби иш қилганларнинг жуда кўпчилиги бизга чўпонларда хоинлик сифати кучайганини айтишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бошқа

пайғамбарлар Һам ижарага қўй боққанлар. Яъни маълум бир Һақ эвазига боққанлар. Шундай қилсангиз шариатг мувофиқ бўлади. Яъни ем Һашагиниг пулини Һам боқиб семиртирганини пулини Һам [ижара](#) Һаққи қилиб берасиз. Мабодо бепарволик қилса, Һалокатига сабаб бўлса қўйингизни тўлатиб олишга Һаққингиз бор. ВаллоҺу аълам!